

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

قازگى بىلدۈزى

ЎЗБЕКИСТОН  
БОЛАЛАРИ ВА ЎСМИРЛАРИНИНГ  
ГАЗЕТАСИ

1992 йил 11 сентябрь, жума  
Баҳоси 30 тийин.

№ 37  
(6509)

## XI СЛЁТ ТАШКИЛОТЛAR

німа жохати бор эди?" деган савол туғилиши мүмкін. Бу саволга жаңоб бериш учун ҳали тарихга айланмаган яқын ўтган күнларни бир эсса олишта тұрғы келади..

1990 йилнинг октябрь ойида "Артек" оромгохда кашшофларнинг X Бутунитифок слёті бўлиб ўтди. Бу ерга йигилган минглаб болалар дам олиш, ўзаро мулоқот килиш, дўстлашишдан ташқари болалар ташкилотарининг, шу жумладан В. И. Ленин номидаги кашшофлар ташкилотининг келажаги қандай бўлиши, болалар ташкилотарининг олдида турган вазифаларини ҳам ҳал қилишганди. Эсингизда бўлса, ўша слётдан кейин унинг делегатлари

кабул қилган қарор билан Бутунитифок кашшофлар ташкилоти Кашшофлар Ташкилотлари Иттифоки (БТФ) деб номлана бошланди. Чунки, слётта қадар бир қатор жумхуриятларнинг болалар ташкилотлари мустакил фаолият кўрсата бошлашган эди. Шу сабаб эндиликда ана шундай мустакил ташкилотларни бошқарб турувчи иттифок, федерациягра ёхтиёй тугилди. Бундай иттифокнинг — Кашшофлар Ташкилотлари Иттифоки (БТФ)нинг ташкил этилиши болалар хаётида мухим қадам бўлди.

Х слётдан кейинги давр ичиде собик Иттифокимиз тарқалиб кетди. Кашшофлар ташкилотлари суюниб келган улкан "тог" — ВЛКСМ ҳам ўз фаолиятини тұтхатди. XI слётти чакириш арафасида эса 14 та мустакил болалар ташкилотлари фаолият кўрсатар эди. Слёт ишига йигилган делегатлар шу сабаб ҳам КТИ (БТФ)нинг бундан кейин тарқабетмасдан, фаолият кўрсатиши кераклигини

таъкидлаб ўтиши. Аммо энди у Федерация сифатида эмас, Ҳалқаро ташкилот сифатида иш юритиши зарур, деган қарорга келинди.

Шу аснода Уставга бир қанча ўзғаришлар киритилди: "Кашшофлар Ташкилотлари Иттифоки (Болалар Ташкилотлари Федерацияси) болалар иштирокида ва уларнинг кизиқишиларига кўра ташкил этилган, ўзаро келишувчилик ва умуминтилиш асосида бирлашган болалар ташкилотлари, ассоциациялари ва бошка жамоат бирлашмаларини бирлаштирувчи ҳалқаро мустакил, ихтиёрий жамоат ташкилотидир". КТИ (БТФ)нинг вазифалари ҳам қайта кўриб чиқиди. Унга кўра, ҳалқаро болалар ташкилоти инсонпарварлик руҳида фаолият кўрсатадиган болалар ҳаракатлари, ушома ва ташкилотларнинг ҳар томонлами ривожланиши учун кўмаклашши айтиб ўтиди. Иттифок аъзолари эндиликда якка шахслар эмас, балки жамоалар бўлади ва унинг энг юкори органи Ассамблея бўлиб, у ҳар уч йилда камиди бир марта чакирилади.

XI слёт ушбу қарорлар билан ҳар қандай шароитда ҳам, ҳар қандай тузумда ҳам болалар ташкилотлари фаолиятлари сўнмаслигини ва у доим яшаб қолишини исботлади.

Ю. БАРК.

Келгуси  
сонда:

Ш. СУННАТОВ:  
«Ойдин  
кечинмалар»

Д. ТУРАХМЕТОВА:  
“... оғир жиноят содир  
қилғанлиги учун суд  
хайъати Уни олий жазо-  
ўлимга ҳукм этди”.

## “ҚОЗУН САЙЛИ” ҶА

Уҳ-х, қовуннинг ширин ҳиди келяпти. Атрофии үнинг димогни ёрадиган ҳиди тутиб кетибди. Ана кўкча, ана у босволди, буниси эса шакарплак. Истаганингизни танлаб олинг. Чунки ба – қовун сайлида. Ҳар йили у кўз тушиши билан пойтахтимизда ўтказилади. Бунда дехқонлар далаларда ўзлари етиштирган маҳсулотларни: қовун, тарвуз, қовоқларни намойиш этишиди, уларнинг ширини, шакари, аслини ҳамма билан баҳам кўришади.

Суратларда: Қашқадарё вилояти, Нишон туманининг Пахтаобод давлат хўжалиги аграноми Исмоил Ражабов хўжаликда етиштирилган қовунларнинг тури ҳақида сайлининг ёш иштирокчиларига сўзлаб беряпти.

Рустам Ҳакимов сайлда юриб, ажойибот устидан чиқди. Ҳар бири 40 кг. келадиган қовоқларни у умрида биринчи бор кўриши.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.

Ўзбекистон Алоқа вазирилги «Матбуот үюшмаси»  
10. ТОНГ ЮЛДУЗИ " 64563  
(нашр номи) (нашр кўрсаткиччи)

Рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга

(почта кўрсаткиччи) (мансаб)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Рўзномани ЕТИКАЗИШ ВАРАҔЧАСИ

П.В.	Жойи
------	------

64563

(нашр кўрсаткиччи)

10. ТОНГ ЮЛДУЗИ "

(нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна
янги ман-			сони
вилга			

1993 йил учун (ойлар бўйича)


1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга

(почта кўрсаткиччи) (мансаб)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)



“Тонг юлдузи“га обуна  
бўлишини унутманг!

Обуна баҳоси:  
1 йилга – 96 сўм  
6 ойга – 48 сўм  
3 ойга – 24 сўм  
1 ойга – 8 сўм

Нашр кўрсаткичимиз: 64563

— “Сардор қамоқдан қайтибди”. Чекка бир қишлоқнинг, чекка уйида тонг шу қувончли хабар билан отди. Сўнг бу янгилик ҳовлима -ҳовли, уймайдар тарқалди...

Бундан икки йил олдин Сардор Р... исмли шериги билан дўкондан 500 сўмлик ноёб нарсани ярим тунда ўмарашган, уни кимнингдир туғилган кунига совға қилишмоқчи бўлишган эди. Аммо кўлга тушишди. Орзу орзулигича қолди. Бу ёри энди тиканли сим, темир панжара, баланд бетон-девор...

Ушбу сухбат шулар хусусида.

— Сардор, болалар аҳлоқ тузатиш колониясига тушмасдан олдинги кунларингни қандай эслайсан? Адашмасам, у вақтлар 16 ёнда эдинг.

— Эслаш, хотирлаш... бу сўзлар менга оғир ботади. Чунки шу икки йил озодликдаги болалигим билан яшаганман. Аҳлоқ тузатиш меҳнат колониясидан олдинги кунларимни сўз билан ифодалаш қийин, у кунлар фақат энди тушга эниши мумкин.

— Эштишимга қараганда, сен бу ўғирликтин ўзинг учун эмас, балки “биров” учун қўлганмиссан. Кел, гапни “темир панжара” гача бўлган воқеалардан бошлайлик.

— Ҳа, шундай бўлган эди. Ўшанда еттинги сифода ўқир эдик. Синфимида 15 бола ва 12 қиз бор эди. 12 қиз ичидан Зубайданинг ўзи биролам, бир қувонч эди мен учун. У олдинги партада, тозалик ҳайъатининг раиси эди у, мен эса орқа партада ўтирад эдим. Биламан, бу гаплар сизнинг газетангиз учун ортича, лекин тушириб қолдиришнинг ҳеч иложи йўқ.

— Майли, давом этавер.

— Бизнинг оиласда моддий етишмовчиликлар бўлиб турарди. Бу менга ҳам ўз таъсирини ўтказар: кийимларим хароб, ўзим эса бир алпозда эдим. Оиласда ўн жонмиз. Ахир, отонам қай биримизга етказсин...

Биласизми, одам кимнинид ўзига яқинроқ олса, аввало, ўзининг тараниб-кайинишига эътибор беради. Менда ҳам шундай ҳолатлар кечмόқда эди, лекин уйдагиларга “уни олиб беринг, буни олиб беринг” деб хархаша қилмасдим. Нимам бўлса шунгагина

қаноат қиласдим. Хуллас, мен Зубайдани... У менинг бутун ўй-фикрим эди: синфдошларим билан гаплашиб турса, жаҳлим чиқарди. Танаффус бўлдими уни кузатар, дарсдан сўнг ортидан соядек эргашар эдим. Ҳеч нарса егим, ҳеч нарса қилгим келмайди. Фақат дарсхонамга қамалиб оламану ўй сурман... Баъзан онам кириб қолади. Менинг ранг-рўйимни кўриб: “Сенга нима бўлди?” деб куйинади. Мен эса жимман. Эрталаб мактабга ҳаммадан олдин бораман, уни кутаман. Бир куни Зубайда ҳам эрта келди. Чунки эрталаб синф тоза, нотозалигини текширади эди. Гапирмоқчи бўлдим. Лекин журъатим

исботлаш керак. Яқинда туғилган куним... “деб ёзилган эди.

Туғилган кунини давоматнинг орқасидан яширинча қараб билдим, у жойда ҳамма ўқувчиларнинг исми, туғилган куни ёзилган эди: “16 январь”.

... исмли ўртоғим билан режа туздик. Режамиз магазиннинг орқа эшигини бузиб кириш, унинг туғилган кунига ажойиб совға олиш. Шундай ҳам қилдик. Р... эшиқда турди. Мен кирдим. Мўйнали пальтони олдим ва Зубайдаларнига қараб югурдим. Уни бир амаллаб ҷақириб чиқдим-да, пальтони бердим. У ҳеч нарса сўрамади, фақат: “Мана энди сенга

ёки...

— Ўзгаргани йўқ. Аммо, кечириш билан унга эришмоқлидан ҳам кечдим. Истардимки, кечиришнинг паноҳида яхшилик улгайсин. Бу яхшилик одамларга қаратилган бўлсин! Уларга энг оддий тилагим шу.


— Одам умри давомида жуда кўп ва хилма-хил қувончли дақиқаларга ошно бўлади. Лекин шу дамлар ичиди бир кун борки, бу кун барча кунлардан устиворликка чиқиб олади. Бу кун сен учун қайси?

— Тиканли симлар, темир панжаралар, автомат тарзда очилиб ёпиладиган темир эшиклар, атрофи - бетон-девор... ётибсиз, фақатгина деразадан қуёш шуъласи тўклилади, бу сизнинг шуурингизда “озодлик” деган сўзни минг бор жонлантиради. Деворга тасбехни осиб қўйганисиз, кунни, ойни санайисиз, соатларни санайисиз, ҳеч нарсанинг адоги йўқдай туюлади, лекин ҳамма нарсанинг адоги бор.

Ана, эшик гийқиллаб очилади, форма кийган киши кўринди, кўлида исм-шарифлар ёзилган дафтари. Бир хил кийим кийган, юзлари синиқсан болалар унга тикилади: “Бугун ким билан хайрлашар эканмиз?”. Ҳарбий киши атайлаб сукут сақлайди. Бу ҳам бир тарбия усули экан. Сўнг томогини қиради. Ёлғондан: “Ботиров Анвар” дейди. Оҳ, у боланинг қувончини бир кўрсангиз эди. У ҳамма билан хайрлашпа бошлайди. Ўзини йўқотиб қўйган. Нуқул кулади... Аммо бу узоққа чўзилмайди, ҳарбий киши алдаганини айтади ва масхаралаб кулади. Шунда баяги бола қай аҳволга тушишини бир тасаввур қилсангиз эди. Бечора, турган ерида йиглаб юборади. Биласизми, биттаси худди шундай вақтда ақлдан озиб, телба бўлиб қолган. Икки ойдан сўнг ўзини ўзи... Унинг кўзлари шу қадар сокин, масъум, меҳрли эдик, унга тикилиб, Инсоният Гуноҳларини кўрасиз гўё.

Менинг энг қувончли куним, исм-шарифим ўқилган кун эди. Ҳарбий киши бу билан “озодлик” сенга“ деяётгандек туюлганди.

Шакар СУННАТОВ  
Самарқанд.



## КЕЧИРИШНИНГ ПАНОҲИДА ЯХШИЛИК УЛҒАЙСИН!

етмади. Унинг кўз қарашларидан кўрқардим. Ахийри, ўзимни тутиб туролмади: “Зубайда, — дедим. — Сен ҳар кун эрта кел” дедим. У ҳайрон бўлди. Бироз жимлиқдан сўнг: “Бойвучча шуни хоҳлайдиларми, тушингизни сувга айтинг” дедио ташқарига чиқиб кетди.

Кейин-кейин гап бўлди. У бир синф юқорида ўқийдиган бола — Қодир билан... Зубайда ҳам, Қодир ҳам яхши даромадли оиласдан олди. Ҳамма нарса шундан кейин бошланди: ўн беш минутлик катта танаффусда Қодир Зубайдага буфетдан у-бу емаклар олиб берар, ўзи эса менинг олимдан хо-холаб кулиб ўтиб кетарди. Роса алам қиласди. Ўшанда мен: “Ҳамма нарса пул билан ўлчанмайди-ку” деб ўйлардим. Аммо қарашингда ўлчаб турганларидан сўнг...

Бир кун Зубайдага ҳат бердим. Дардларимни тўкиб солдим. Жавоб келди, унда: “Агар мени... унда буни

ишондим” деди. Уйга қайтдим. Мен сизни ишонтириб айтишим мумкин шу тун жуда мириқиб ухладим. Эрталаб тургизиши.

Кейин билдим. Улар мени майна қилишган экан. Онамнинг “Тенг тенги билан, тезак қопи билан, болам” деганларини ҳам тушундим.

— Сардор, мана келганинга икки кун бўлиби. Қишлоқдошларинг, таниши-билишларинг келиб-кетишмоқда. Зубайда билан Қодир ҳам келишдими ёки...

— Кечак шом тушар маҳал келишган экан. Дарвоза олдида иккиси турибди. Зубайда йиглаб, Қодир афсусланиб, кечирим сўради.

— Кечирдингми?

— Кечирдим. Сиздан энг севган ва энг севмаган кишининг кечирим сўраб турса, кечирмасмидингиз?

— Сардор, боядан бери сенга бир савол бермоқчи бўлиб турибман. Айтчи, Зубайдага бўлган муносабатинг ўзгардими

## ОБУНА БЎЛДИМ

Уйимизда бувимлар ўз кўллари билан тўқиган катта гилам бор. Онамдан бир кун сўрадим:

— Гилами қандай ипдан тўқишиади, — деб. Онамнинг ўрнига отам жавоб берди:

— Эртага мен сенга бу “иҶ”ни кўрсатаман.

Эртасига тонг отиши билан биз яловга чиқдик. Узоқ яқинда марашиб юрган кўй, қўзиларнинг “юки”, енгилашган жунлари киркитган эди.

— Мана шу жундан ип югирлади, унга ранг берилиб, гиламлар тўқишиади, тушундингми? — сўради отам.

Мен жун киркадиган ускунани бошқарасдан киркимчилар ишига кизиқиб қолдим. Иш туташ арафасида улар билан мириқиб сұхбатлашдим.

Кузги кирким хозир ҳамма жойда бошланиб кетди. Мардон ака, Мажид ака, Шамси ака каби таҳжабали киркимчилар ҳар куни тоза жун киркит, сохвога топширишти. Бу менга ёкиб қолди. Мен ҳам кичикроқ қўйларнинг жунини киркнида кўмаклаша бошладим. Дарсдан бўш пайтлари билан келиб, чўпонларга ёрдамлашамиз.

Уйда ҳам иккита қўйимиз бор. Уларнинг ҳам жунини киркит, топширидим. Отамдан сўраб, унинг пулига “Тонг юлдузи”та обуна бўлдим. Ўрганган ишим фойда берди.

Р. ОТАҚУЛОВ,  
Навоий вилояти, Нурота  
туманинадаги 8-мактаб ўқувчиси.

## ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

АГАР сиз бошқа бир газета ва ойномаларда ўқимаган нарсалар ҳақида — сирли тушлар кўриб, уларнинг ростдан ҳам содир бўлаётганини гувоҳи бўлган наманганлик Сирожиддиннинг туркум мақолалари, ўғри ва кисовур болалар билан ертўлада бир ой бирга яшаган Нодирнинг ўз кечинмалари, томорқани чопиб чиқишида келиша олмай қолиб, укасини нобуд қўйлан Зокир, дунёга келиб улгурмай етим қолаётган болаларнинг кейинги ҳаётлари ҳақида ўқишини истасангиз кечикмай “Тонг юлдузи” 1993 йил учун обуна бўлинг.



## ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР! ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТҮЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигига расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинлиги ҳақида квитанция берилади.

## АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчаини сиёҳли ручкаларда ҳагосиз, сўзларни қисқартирилсанда ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насиби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

"Мен балиқларни боқишига жуда қизиқаман. Якында дадам менга "гуппи" деган балиқ олиб берди. Илтимос, бу балиқларнинг қандай боқиши кераклиги ҳақида маълумот берсангиз".

Азиз ПАРПИЕВ.  
Тошкент шаҳри.

## ГУППИ

Гуппи ҳар қандай шароитга мослашувчан бўлиб, аквариумда, оддий банкада ҳам яшай олади. Балиқнинг бу түри 2,5 йилдан то 4 йилгача яшайди. Тез кўпакювчан хусусиятга эга. Улар

кўпайгандан, болаларини алоҳида банкага солиб қўйиш лозим. Акс ҳолда, гуппилар ўз боласини еб қўйишади.

Гуппи балиқларини аквариумга жойлашда сув ҳажми қўйидагича бўлмоғи лозим: бир дона балиққа икки литр сув тўғри келади. Улар учун энг қулай сув иссиқлиги 24-26 даражани ташкил қелади. Балиқлар учун сув чучук бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда думлари узилиб тушади. 10 литр сувга 1-2 чой қошиқда ош тузидан солсангиз, бу балиқларни турли хил касалликларга чалинишдан саклайди. Хар ҳафта аквариумдаги сувнинг учдан бир қисмини алмаштириб турши лозим. Кунда эса, аквариум 12 соат еритилиб турмоғи лозим. Кечаси эса, чироқни ўчиришини унумтманг, Чунки, кечаси балиқлар ўйқуга кетади. Гуппи балиқларидан фанда тажрибалар ўтказишида кене фойдаланилади. Улар турли химикатлар қўшилган сувга чидамили бўлиб, бўлғаланган ҳавзаларни тозалашга ердам беришади. Ҳатто, бу балиқлар самода ҳам бўлиб қайтишган.

Табиатда гуппи балиқ тури бошқа мамлакатларга Бразилия, Венесуэла, Гвиане шаҳарларидан тарқалган.



— Азиза, ойнангни бериб тур.

— Наргиза, қош бўйайдиган қаламингни олчи...

Бизда "оила" дарси ҳар доим шундай — пардоз-андоз билан бошланади. Нега дейизими, чунки, бизнинг ўқитувчи билимгамас, чироға қараб баҳо қўяди ва дейидарки: "Оила мустаҳкам бўлиши учун биринчи навбатда чироғ бўлиши керак." Шу гап тўғрими?

Келинг, яхшиси ҳаммасини бир бошдан айтиб берай.

Айтайлик, "Гўзаллар конкурсси". Фақат бу кенг саҳнада, олқишлилар остида эмас, синфда — ўттиз-ўттиз бешта ўқувчилар орасида



Хуллас, бугунги танловда Эркинова "энг гўзал ўқувчи" деган номга сазовор бўлди.

**МУҲАРИРИЯТДАН:** ушбу музобақа дейлик.

Конкурс раиси — ўқитувчи, иштирокчилари — ўқувчи болалар. Қўгироқ чалинди, пардоз-андоз тўхтатилди, ҳамма "раис"нинг кириб келишини сабрсизлик билан кутмоқда. Ана, эшик очилди, "раис" кўринди, давоматни столга қўйиб, ўқувчиларни бир четдан кузатди. Ўтири, давоматни тўлдирди, сўнг ўрнидан туриб, яна ҳамма "гўзаллар"ни бир-бир кузатди, "яхши" дегандек жойига қайтди, юзларида мамнунлик пайдо бўлди, "Эркинова доскага" деди. Эркинова ютиниб-ютиниб доскага чиқди, "раис" уни синчиклаб кузатди, лекин ҳеч нарса сўрамади, кўлларидан ушлаб-ушлаб кўриб ниманидир шивирлади... Сўнг қатор-қатор баҳолар қўйди...

хатда на муаллиф, на мактаб ва на ўқувчининг исми-шарифи кўрсатилган, фақатгина хат муҳридан "Самарқанд вилояти, Киёт тумани", деган ёзувни англаб олодик. Эҳтимол ўқувчи кўркандир, андиша қилгандир...

Аслида имзосиз, исм-шарифсиз маълумотлар ҳақиқий хисобланмайди. Аммо "шамол бўлмаса дарахтнинг барги кимирламайди" деган хаёлга бориб, юқоридаги хатни таҳрирсиз эълон қилдик. Масалага сиз — ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларингиз аниқлик киритиши мумкин.

Хатларингизни кутамиз.



## СИЗНИНГ КИТОБ

яқинларгача биз уларни босмачилар, халқ дўшманлари, хоинлар, қочоқлар деб билар эдик...

Заҳриддин Мирза Обид ўғли Туркистоний ҳам ноҳақ қувгин остига олинган муҳожирларнинг кенжа вакилларидан. Унинг айни кўча чангитиб, шаталоқ отадиган болалик онлари юртма-юрт,

## ЖАВОНИНГИЗГА

ҳақидаги хотиралари жамланган "Анда жоним қолди менинг..." номли китоби "Чўлпон" нашириётида чоп этилди. Китобни ўқир экансиз, муаллифнинг ҳаёт ўйли тимсолида чет элларда яшатган ўзбек муҳожирларининг турмуши билан танишиб борасиз. Шояд, бу китоб сизни мавжуд бир ёқлама ёлгон ту-

## "АНДА ЖОНИМ ҚОЛДИ МЕНИНГ..."

саргардонликда ўтди.

Якында унинг машаққатли кечган болалик онлари, зиммасига жуда барвақт тушган оила ташвиши

шунчалардан халос этади. Ушбу китобни нашрга Р.Файзиев ҳамда Т. Ниёзов тайёрлаган.

**Рустамжон!** Сени туғилган кунинг билан табриклийиз. Сенга узоқ умр, баҳт, саодат, ўқишиларингга муваффақиятлар тилаймиз.

Даданг, өйинг, Нодир, Бобир, Баҳшанда, Баҳодир.




**Мансурбек!** Туғилган кунингда — 12 ёшга тўлганинг билан сени ҳаммамиз чин дилдан қутлаймиз. Сенга соғлиқ, баҳт ва муваффақият тилаймиз.

Отанг, онанг, опанг Наргиза, укаларинг: Жасурбек, Жамшидбек, Учқунжон.

Қорақолпогистон жумхурияти, Амударё тумани, Қипчоқ қишлоғи, Таубаевлар оиласи.



**Надрижлаш!**



## ҚАЙСИ АСАР?

Шаклдаги айланаларда ундош ҳарфлар ёзилган бўлиб, унли ҳарфлар эса белгилар билан ифодаланган. Бир хилдаги белги бир хил ҳарфни англатади. Шунга мувофиқ ҳар бир белгини маълум ҳарф билан алмаштиринг.

Бунда топширикни ҳал этиши билан бирга ҳарфлардан Алишер Навоийнинг пайғамбарлар ва ҳакимлар тарихига оид асари номини билиб оласиз.

Ф. ОРИПОВ.

**ОНАЛАР ТИЛАГИ**

Келин түшди бүйін,  
Бахти-тахти бор бүлсін.  
Үй түлсін күшик-күйін,  
Бахти барқарор бүлсін.  
— Багрим түлді, — дер она,  
Келиним үз қызимдай.  
Шодлик қылғач тантана,  
Кечам ҳам кундузимдай.  
Ха, оналар тилаги,  
Фақатгина зәгулік.  
Келин үйнінг ичіда,  
Гүё ёруғ күзгудек.

**ИЛТИЖО**

Одам Ато ва Момо Ҳаво,  
Оғриқ дилга айтинг не даво?  
Иккінгиздан сұрайман изн.  
Нарх-навога дил берсін түзім.  
Ахир, инсон эмас-ку мутъе,  
Нечун уни мунча қыйнарлар?  
Кимдір азап қисматин күтіб,  
Кимлар бүгүн гүлдек сұларлар.  
Йүк, йүк, менга армонлар эмас,

Бардоши зёр инсонлар керак.  
Яхши күнлар олдинда, демек,  
Шодликларга күмилгай юрак.

**ДОНО ТИЛИМ**  
Қошғорийнинг тинглаб  
шөренини,

Дурларин сочган.  
Навойіга ганжу мехран,  
Күксини очган.  
Она тилим — жону дилим,  
Күёшім менинг.  
Қора түнни қоқ ёролган,  
Күз ёшым менинг.  
Бобур Мирзо ўзға юртда,  
Тилим, деб ёнди.  
Фурқат ёниб иккі ўтда,  
Элим, деб ёнди.  
Нече йиллар күзин ёшлаб,  
Кезіб дарбадар.  
Тилим, дея ёнди Машраб,  
Бўлиб қаландар.  
Илм-маърифат наҳридурсан,  
Онажон тилим!  
Ўзбек элим фахридурсан,  
Күксимда кўлим!

Инобат БОБОҚУЛОВА,  
Самарқанд вилюяты,  
Пастдарғом тұманидаги  
8-мактаб ўқыучиси.

**Мактаб ҳаётидан ҳанғомалар****ШАКАРЛИ ГАП**

Үқитувчи: — Шакар сүзи билан гап туз.

Үқувчи: — Мен эрталаб бир пиёла чой ичдім.

Үқитувчи: — Қани бу ерда шакар?

Үқувчи: — Чойнінг ичіда.

**УЛАР ҚАНДАЙ АТАЛАДИ?**

Үқитувчи: — Ҳам қуруқликда, ҳам сұнда яшайдын жониворлар нима деб аталауди?

Бригитта: — Матрослар.

**ДИКТАНТ УЧУН КИТОБ**

Олаф уйига келиб: — Биз кече диктант ёзған әдік, бүннінг учун менга китоб берішди.

— Ростданми? Қанақа китоб экан?


— Түгри ёзиш имлоси, — жавоб берди Олаф.

**ДИТЕРНИНГ ОТА-ОНАСИ**

Дитең синға кириб келди.

— Сиз менинг ота-онамни күрмоқчи әдінгизми? Мана улар: Дитең стол устига иккита фотосуратни қўйди.

Олмончадан ўзбекчага Б. УЛУҒБЕКОВ ўгирган.  
Самарқанд вилюяты, Булунгур тумани.



Бош мұхаррір: Акрам БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрір ҳайъаты:

Т. КАРИМОВ, А. КҮЧИМОВ, М. ПИРМАТОВ  
(масъул котиб), М. РАҲИМБЕРДИЕВА,  
Д. ТУРАХМЕТОВА, В. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Газета 1929 йил, 1 августдан "Ленин учқуни" номи билан чиқа бошлаган.

(Давоми. Боши ўтган соңда).

— Бу ердан тезроқ кетайлик. Үрмөн бошлиқтарига хабар берамиз.

Макхани түмшүгини күтариб газабланиб бўкиди. Тез орада болалар тепаликка кўтарилиди. Макхани майса зорда югуриб боради. Болалар атрофга қарадилар. Қора кузгунлар яна овқатланишмоқдалар. Бирдан ҳаво очилиб, тепадан кучли ёмғир кўя бошлади. Болалар эса ёмғирда жуда ивиб кетишиди. Шамол учирни кетмаслиг учун болалар Макханини орқа томонига маҳкам ёпишиб олишилар. Саросимага тушган кийиклар улар ёнидан сакраб чопиб ўтадилар. Бўрон улар ўйлагандан ҳам куччироқ бўлди. Болалар кузатиш Минорасидан ўтиб, катта ўйла чиққач, ёмғир сувлари орасидан ўрмончилик бўлими идораси гира-шира кўзга ташланди.

**ЯНА ДАЛИЛ**

Жаноб Неог Қўриқхона бошлиги. Болалар роса ивиб, унинг хонасига ёмғир сувларини оқизиб, кириб боргандан жаноб Неог уларни кўриб, ҳайрон бўлиб қолди. У болаларни яхши танириди.

— Неог тога Каркидон ўлдиришибди. — Бирдан учаласи тенг гапиришиди.

Жаноб Неогнинг юзи жиддийлашди.

— Шошилмай бирин-кетин гапиринглар.

Болалар қўриқхонада кўрган биланларини бирмабир гапириб берди.

— Шохи олинган, — деб сўз қўшиди Данай.

— Шубҳасиз бу ўрғилар иши. Ёмон иш, — деб ўзича пичирлади жаноб Неог шкафдан сочиқни олиб, уларга узатаётib.

— Олдин артиниллар, сўнг печене билан чой ичинилар. — Неог тога каркидон ўлдиригандарни тезда ушлашингиз керак.

— Ушлаймиз, хавотирларни Бубул, ёмғир пасайсан, тезда улар орқасидан тушамиз.

Хизматкор болаларга печене билан чой олиб келди. Болалар энди чойни оғзига олиши билан ўрмон хизматчилари бошлиги — Пукан кириб келди. Жаноб Неог уни чақиртирган эди.

— Бу болалар ўлган каркидон топишиди, Пукан. Шохи олинган. Ўгрилар яна хужум килишиди.

Пукан сув томиб турған зонтикни уй бурчагига қўйди. У — баланд қотмадан келган, кўзлари киссиқ одам.

— Учалангиз қўриқхона ичидаги нима қилиб юрибисизлар, — деб сўради улалардан.

— Бу ерга киришдан олдин бирор кишидан рухсат олдиларингми?

Кутилмаган саволдан болалар воқеани бошидан бошладилар. Данай биринчи бўлиб гапира бошлиди.

— Биз филчамизга миниб, тез-тез бу қўриқхонага келиб турибмиз. Неог тога буни яхши билади.


— Бу ер — кириш ман этилган жой, рухсатиз мумкин эмас.

— Э, қўйсангчи Пукан, — деди Жаноб Неог. — Бу болалар саёҳатчи эмас, буларнинг қишлоғи илгари шу ерда эди, ҳозир қўриқхонага айланган. Казиранка ва унинг ичидаги ёввойи ҳайвонлариз бу болалар яшай олмайдилар.

— Жуда яхши, — деди Пукан хоҳишиз. — Кечиравиз, бу ўгирлики қайтарилавериши мени тентак қилиб юборди.

— Неог тога, — деб қаттиқ гапириди Жонти. — Сиз ҳозиргина ўгирлар яна хужум қилди, дедингиз, бу денгиз каркидон биринчи марта ўлдирилиши эмас деганингизми?

— Мадомики, йўқ, бу бир ой ичидаги бешинчи марта ўлдирилиши. Шубҳасиз бу жуда хийлакор ўгирлар тўдаси бўлиши керак. Улар тўсатдан



хужум қилади, кейин бирдан шарпасиз йўқ бўладилар. Биз уларни маҳдадий ўғрими ташқаридан келганми билмаймиз ҳам.

— Болалар топган белгилар далил бўлишга аклим етмайди, — деб Пукан гапта аралаши. — Ҳозир ташқаридан ёмғир қўймоқда, бу ёмғир белгини ҳам, қотиллик жойини ҳам ювиб кетади.

— Ахир биз аниқ белги топдик, учта оёқ изини чуқур ёнида кўрдик. Ишончим комилки, ўт哩лардан бирини оғди жуда катта экан.

Жаноб Неог ўрнидан турди.

— Яхши иш, болалар, бу ўгрилар тўғрисида биз учун биринчи хабар.

— Бекор гап, — деб писанд қилди Пукан.

— Йўқ, — деди Данай ишонч билан. — У одам чала қуриган каркидон тезагини босган. Биз ҳаммамиз буни кўрдик.

— Айтганингиз ҳикояга ўхшайди! Ҳозир ҳамма излар ювилб кетди. Уларни бизга кўрсата олмайсизлар. Балқи ҳазиллашаётгандаризлар?

— Сиз болалар ўзлари ўғирлик қилган деб айтмоқчисиз, шундайми? — деб гапни кесди жаноб Неог Пуканинг бўлмагур гапларидан титраб.

— Мана бўрон тўхтади, яхшиси биргаликда ўша жойни бориб кўрайликич!

Машина қўриқхонага олиб борадиган ўлдан тез ўриб борар эди. Атроф кўм-кўк эди. Улар тўғри чуқурликка бормадилар. Бироз пиёда юрдилар.

— Бу қандай беўшов күшлар, — деди Бубул улардан нафратланиб. — Кўп күшлар менга ёқади, лекин буларнинг сўқтаси совуқлигини, эҳтимол ўлган ҳайвонларни егани учундир. Эҳтимол хунуқлигидандир.

— Аммо улар жуда фойдали, — деди жаноб Неог.

— Улар нима фойда келтиради? — деб сўради Бубул.

— ... Улар ўлиқ ҳайвонлардан ерни тозалайди, ер чириндилаардан ифлосланмайди.

Суҳбат билан улар бирдан чуқурлик устидан чиқиб қолдилар. Ҳовуз сувга тўлган, каркидон сувда қолганди.

— Ёмғир бизга зарар қилди. Чуқурни сувдан тозалаш учун бир соатгина вақтимиз кетади.

— Каркидонни сувдан тортиб олиб, ерга кўмамизми?

— Йўқ, албатта.

— Кўмсак қузгунларни овқатдан маҳрум этамиз.

— Унга бирорта ҳайвон тушиб кетмаслиги учун одамлар юбориб, уни кўмдиралан.

— Үндай бўлса орқага қайтамизми, — деб сўради доим жим юрган Пукан.

— Йўқ, — деди жаноб Неог.

— Биз ҳозир ўгирларни ахтарамиз, каркидонни илнитириш учун бир кун вақт кетади. Уларнинг кузатиб ётадиган капаси бўлиш керак.

Жаноб Неог одамларига ўгирларни ахтаришга бўйруқ берди. Тинтуб бошланди. Жонти эндиғина қўлга яқинлашаётгандан бир нарсанинг қамиш ичига кириб кетганини кўриб қолди. Бироздан кейин шарпа яна қайтиб чиқди. У чиқкан жойда бана даражат барги илиниб қолган атрофда эса бана даражати йўқ эди.

[Давоми бор].



Таъсис этувчи:

УЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТИФОҚИ  
МАРКАЗИЙ ҚУМІТАСИ

Бизнинг манзилгоҳимиз:  
ТОШКЕНТ ШАХРИ. 700083,  
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Маълумот учун телефон: 32-54-21

Узбекистон Республикаси «Шарқ» наш